Ахборот хати

“Педагог кадрларининг малакасини ошириш тизими: тажриба, муаммолар ва ривожланиш истиқболи”

Ҳурматли хамкасблар!

Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази Сизни 15 апрел 2026 йилда ўтказиладиган “Педагог кадрларни малакасини ошириш тизими: тажриба, муаммолар ва ривожланиш истиқболи” номли халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этишга таклиф этади.

Анжуманда қуйидаги йўналишлар бўйича масалалар муҳокамаси режалаштирилган:

1. Тиббий таълимда педагог кадрларнинг касбий компетентцияларини ривожлантириш муаммолари.
2. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ўқув жараёнига жорий этиш.
3. Замонавий тиббиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш.
4. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ижтимоий муносабатлар тизими ва психологик-педагогик хусусиятлари
5. Клиник психологиянинг илмий-назарий ва методологик асослари.
6. Тиббий таълимда замонавий ёндошувлар ва инновацион ривожланиш тенденциялари.
7. Тиббий таълимда мутахассислик фанлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш: муаммолар ва инновацион ечимлар.

Анжуман муаммолари бўйича пленар ва секция йиғилишларида иштирок этганларнинг мақолалари тўпламида нашр этилиши кўзда тутилган. Тезислар бепул чоп этилади.

Анжуман расмий тили; ўзбек, рус, инглиз.

Анжуманда қатнашиш шакли; маъруза қилиш ва тезислар чоп этиш.

Анжуманда қатнашиш учун материаллар **28 феврал 2026 йилгача қабул қилинади.**

Тезислар қуйидаги манзил бўйича жўнатилади: E-mail: tta_tm@bimm.uz

Тезислар қуйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Матн Microsoft Word 2007 матн редакторида, Times New Roman шрифтида 12 ўлчам катталигида, 1,0 интервалида ҳар бир томондан 2 см бўйича ёзилади, ҳажми 1бетдан ошмаслиги лозим! Тезислар матнида иллюстрациялар, схема жадвал, график ва адабиётлар кўрсатгичи бўлмаслиги керак.

Сахифада матнни жойлаштириш

1 қатор-Тезис номи (бош ҳарфлар билан)
2 қатор-Муаллифнинг исми-шарфи
3 қатор-Иш бажарилган ташкилот, шахар, давлат номи
4 қатор-Тезислар матни

Тезислар наъмунаси

Тиббий таълимда инновацион технологияларни қўллаш

Қосимов А.А.

Тошкент давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон

Тезислар матни

.....

.....

.....

Тезисларни тақдим этишнинг охирги муддати**: 28 феврал 2026 йил**

1-Илова

“Педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизими: тажриба, муаммолар ва ривожланишнинг истиқболи” номли халқаро илмий-амалий анжуман ташкилий қўмитаси Сиздан иштирокчининг рўйхатдан ўтиш варақасини тўлдириш ва бизга жўнатилишини сўрайди.

“Педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизими: тажриба, муаммолар ва ривожланишнинг истиқболи” номли илмий-амалий анжуман

Иштирокчини рўйхатдан ўтказиш варақаси

Ф.И.Ш.	
Лавозими	
Илмий даража	
Хизмат манзили индекс билан	
Алоқа телефонлари	
E-mail	
Маъруза номи	
Маърузачининг исми-шарифи	
Сизнинг маърузангиз учун қандай тақдимот воситаси талаб этилади	
Сизнинг анжуманда иштирокингиз кўзда тутади:	
-маъруза кўринишидаги чиқиш	
-тезислар чоп этиш	

- Тезислар электрон почта орқали киритилган файл кўринишида жўнатилади, “Мавзу” графасида “Анжуман тезислари” деб кўрсатилади; киритилган файлда – биринчи муаллифнинг фамиляси бўлади. Масалан: “kasimov.doc” (2 та тезис тақдим этилган холда: “kasimov 1. doc”) (“kasimov 2. doc”).
- Тезислар рўйхатдан ўтиш варақаси (1-илова) мавжуд бўлганда шунингдек бизнинг эл.манзилга тезислар билан (2-бетида) юборилганда қабул қилинади.
- 28 феврал 2026 йилдан кечикмаган ҳолда ташкилий қўмитага анжуманга келиш ва иштирок этиш (маъруза билан чиқиш) ҳақида хабар берилади.
- Талабларга жавоб бермайдиган тезислар кўриб чиқилмайди.

Ташкилий қўмита манзили: 100047,Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Фаробий кўчаси 2. Алоқа телефонлари: +998(71) 150-78-44 (Болтаева Ситора Фарходовна), +998(99)313-89-74 (Дехконова Мамура Улмасовна), +9989(99)867-17-64 (Усманова Шоира Джумабековна)